

дан судга шикоят қилиниши мумкин.

14-модда. Рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома

Махсус ваколатли органнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш вазирлигининг рўйхатга олиш ҳақидаги қарори рўйхатга олиш тўғрисида гувоҳнома бериши ва воситани Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигида ўсимлик зараркундалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рўхсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатига киритиш учун асос ҳўсбланади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг рўйхатга олиниши ҳақидаги рўйхатга олиниши тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

15-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қайта рўйхатга олиш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қайта рўйхатга олиш белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан тегишли ариза асосида амалга оширилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари янги муддатга қайта рўйхатга олинишида улар қайта рўйхатга олиш муддати давомида махсус ваколатли органнинг рўхсати билангина қўлланилиши мумкин.

16-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш учун ҳақ тўлаш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга олиш учун тўланадиган ҳақ миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг рўйхатга олинишига беқор қилиш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш учун асос ҳўсбланади.

10

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг атроф табиий муҳитга кўрсатадиган таъсирини баҳо беради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг давлат экологик экспертизасини ўтказиши;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг яроқсизларини, чиқиндиларни ва идишларини кўмиб ташлаш учун белгиланган тартибда рўхсатнома беради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, бошқа кимёвий моддалар ва дориларни ишлаб чиқариш, ташини, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, йўқ қилиб ташлаш ва кўмиб ташлашда атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

9-модда. Давлат фитосанитария назорати

Давлат фитосанитария назорати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати томонидан амалга оширилади.

10-модда. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги мажбуриятлари

Юридик ва жисмоний шахслар ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида:

зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтларнинг кенг ривожланиши ҳамда тарқалишининг олдини олиш мақсадида қишлоқ ҳўжалиги ерларини мунтазам равишда назарларидан ўтказишлари ва ҳимоялаш тадбирларини амалга оширишлари;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати томонидан талабига биноан ўз ҳудудларидagi ерлар, ўсим-

7

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қишлоқ ҳўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади қишлоқ ҳўжалик ўсимликларини зараркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш таъминлаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғига, атроф табиий муҳитга зарари таъсирининг олдини олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳўжатлари

Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳўжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳўжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳўжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳўжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бегона ўтлар — биологик ва экологик жиҳатдан

2

вофиқ алоҳида ҳўқуқий режим ўрнатилади.

26-модда. Ўзларига бериб қўйилган ер участкаларида фуқароларнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг фойдаланиши

Ўзларига бериб қўйилган ер участкаларида фуқаролар фойдаланишидаги ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари оддий ва ишлаш учун ҳавфсиз бўлиши лозим.

Ўзларига бериб қўйилган ер участкаларида фуқаролар фойдаланишидаги рўхсат этилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари рўйхати махсус ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

27-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги низоларни ҳал этиш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида юзга келадиган низолар қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

28-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳўжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўсимликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳўжатларининг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 31 август.

15

қўллашга йўл қўйилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тарзида қўллаш учун рўхсатнома махсус ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати билан келишилган ҳолда берилади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини тажриба тарзида қўллаш учун рўхсатнома беришида махсус ваколатли орган тажриба раҳбарини, шунингдек уни ўтказиш қоидалари ва шартларини белгилайди.

Тажриба тарзида қўллаш муддати тугаганидан кейин тажриба раҳбари махсус ваколатли органга тажриба натижалари тўғрисида ҳисобот, шунингдек ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг қондиклари, тажриба ўтказишида фойдаланилган приборлар ва мосламаларнинг турган жойи ҳақида ҳисобот тақдим этади.

20-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаш, сертификатлаш ва маркировкалаш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини стандартлаш, сертификатлаш ва маркировкалаш қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини реализация қилиш, олиб кириш ва олиб чиқиш

Мувофиқлик сертификати эга бўлган, рўйхатга олиш ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигида ўсимлик зараркундалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рўхсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатга киритилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини реализация қилиш, олиб кириш ва олиб чиқишга йўл қўйилади.

12

боради;

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг сифати устидан назоратни уюштириши, улардан фойдаланишга доир хулосалар беради, агар инсон соғлиғи ва атроф муҳитга номувофиқ таъсир кўрсатаётгани аниқланса, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйди;

қонун ҳўжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги:

ўсимликларни ҳимоя қилишнинг давлат дастурларини рўйбга чиқаради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошқа мамлакатлардан ўсимликларнинг қарантини ва ўта ҳавфли зараркундаларни, касалликларни ҳамда бегона ўтлар кириб келиши хавфининг олдини олиш ва унга барҳам бериш чораларини кўради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, янги техника ва технология жараёнлари ҳамда улардан фойдаланиш усулларини яратиш, синаш ва жорий этишга доир илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва лойиҳалаш ишларини мувофиқлаштириши;

ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаши, қайта тайёрлашни ўтказиши ва малакаси оширилишини таъминлаши;

кимёвий, биологик ва бошқа препаратларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар, тавсияномалар ишлаб чиқиши ва уларни тасдиқлаши;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан самарали фойдаланишни, шунингдек уларни ташини, сақлаш қоидалари ва қўллаш регламентларига риоя этилишини уюштириши;

қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини ҳимоя қилишнинг

5

лаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органи томонидан қонун ҳўжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5-модда. Махсус ваколатли органнинг ваколатлари

Махсус ваколатли орган:

ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самарали, экологик жиҳатдан ҳавфсиз ва кам зарари воситаларини қўллаш ҳисобига қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва уларнинг ҳосиллини сақлаб қоллишига қаратилган ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланишни ягона сиёсатини амалга оширади;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари натижалари юзасидан хулоса беради;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш регламентлари ва қоидаларини ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигида ўсимлик зараркундалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рўхсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатини юридаги ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб боради;

ўсимликларни ҳимоя қилишга қўлланилиши тақиқланган ҳамда чекланган фаол ва нофаол ингредиентлар реестрини юридаги;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш, уларни қўллаш регламентларига риоя этиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғи ва атроф муҳитга таъсирини аниқлаш билан боғлиқ давлат бошқаруви органининг фаолиятини мувофиқлаштириб

4

22-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари фитосанитария, санитария ва экология вазирлигини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда қўлланилади.

23-модда. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлаётгандаги эҳтиёт чоралари тўғрисидаги маълумот

Истеъмолчиларни ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан ишлаётгандаги эҳтиёт чоралари тўғрисидаги маълумот билан таъминлаш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташини, қўллаш ва сақлашга доир маълумот ҳамда оголантирувчи маркировкаси бўлган идиш ёрлигини тақдим этишлари шарт.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ташини, қўллаш ва сақлаш тўғрисидаги тавсияномаларнинг шакли ва уларни тасдиқлаш тартибига ҳамда идиш ёрлиғига нисбатан қўйилмаган талаблар махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

24-модда. Кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, йўқ қилиб юбориш, утилизация қилиш, ташини ва кўмиб ташлашга доир талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар кимёвий моддалар, биологик воситалар ва материалларни сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, ташини ва кўмиб ташлаш чоғида фуқароларнинг санитария-эпидемиология жиҳатдан бехатарлигини таъминловчи санитария-гигиена нормалари, қоидалари ва нормативларига, ҳайвонот дунёси ва ҳайвонларнинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш талабларига, ўсимлик дунёси объектлари ва уларнинг ўсиб кўлиши муҳитини муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари шарт.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини фақат

13

хизмати ва давлат солиқ хизмати” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5 - 6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4 - 5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5 - 6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5 - 6, 153-модда):

1) **97-моддасининг номидаги ва биринчи қисми диспозициясидаги, 98-моддасининг биринчи қисми диспозициясидаги “Давтэкономназорат”** деган сўз “Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **260-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“260-модда. Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги”

10

аккредитация қилинган ёки эътироф этилган сертификатлаштириш органи, синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органи, сифат бўйича эксперт-аудиторлар, шунингдек махсулотни сертификатлаштирилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жисмоний шахслар сертификатлаштириш субъектларидир”;

4) **8-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Аккредитация қилинган сертификатлаштириш субъектлари ўз фаолиятини қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда бериладиган сертификатлаштириш соҳасида иш олиб бориш ҳўқуқини берувчи лицензия ҳамда уларнинг сертификатлаштириш муайян тизимидаги ваколатларини белгиловчи ҳўжат асосида амалга оширади”;

5) **11-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Мажбурий сертификатлаштириш ишлаб чиқаришни текширишни, махсулот хусусияти норматив ҳўжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш учун уни синашни, назорат йўсинидаги текширувни ва сертификатланган махсулот устидан назоратни ўз ичига олади”;

6) **16-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг, со-

7

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР** қилади:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳўжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган **“Давлат санитария назорати тўғрисида”**ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда) **20-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“20-модда. Махсус экспертларни ўтказиш соҳасидаги талаблар

Аҳоли ва алоҳида шахслар саломатлиги ва касалланиш ҳолатини махсус эксперти-

2

“Давлат солиқ хизмати органининг ушбу модда биринчи қисмининг 1-7-бандларида назарда тутилган ҳўқуқлари давлат солиқ хизмати органининг барча мансабдор шахсларига, 8-14-бандларида назарда тутилган ҳўқуқлари эса (тезкор-қидирув фаолияти бундан мустасно) фақат давлат солиқ хизмати органининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига берилади. Ушбу модда биринчи қисмининг 8-15-бандларида назарда тутилган ҳўқуқлар солиқ соҳасидаги ҳўқуқбузарликларга қарши курашиш махсус бўлинмаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг мансабдор шахсларига берилади”;

3) **13-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Давлат солиқ хизматининг мансабдор шахслари қуйидагилар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳўжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади:

Ўз вазифаларини бажармаганлиги ёхуд зарур даражада бажармаганлиги, ижро интизомини бузганлиги учун;

ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳўжатлари талабларига риоя қилмаганлиги учун;

гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқароларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги учун;

15

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган **“Ер ости бойлиқлари тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 10, 252-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 5 - 6, 102-модда, № 9, 181-модда) **7-моддасининг иккинчи қисмидаги, 14-моддасининг еттинчи қисмидаги, 45-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларидаги** тегишли келишиқдаги “Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси” деган сўзлар шундай келишиқдаги “Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VIII. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги Қарори билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5 - 6, 70-модда; 2000 йил, № 5 - 6, 153-модда):

1) **8-бандидаги** “Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва қончилик назорат қилиш агентлиги”

12

моддасининг иккинчи қисмидаги, 9-моддасининг иккинчи қисмидаги ва 27-моддасининг биринчи қисмидаги “Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **“Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 50-модда):

1) **1-моддаси** қуйидаги мазмундаги **хатбошилар** билан тўлдирилсин:

“сифат бўйича эксперт-аудитор” — қонун ҳўжатларида белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва текшириш соҳасидаги ишларни олиб бориш учун тегишли малакаси бўлган мутахассис;

“сертификатлаштириш соҳасидаги текширув органи” — белгиланган тартибда аккредитация қилинган, сертификатланган махсулот ва сифатни бошқариш тизимини баҳолашни сертификатлаштириш органи томонидан белгиланган тартибда иш олиб бориш учун тегишли малакаси бўлган мутахассис;

III. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4 - 5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда) **8-**

5

қонун ҳўжатлари билан белгиланади”;

2) **26-моддаси** чиқариб ташлансин;

3) **31-моддаси** иккинчи қисмининг **тўртинчи хатбошидаги** “Ўзбекистон Республикаси Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси” деган сўзлар “Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4 - 5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда) **8-**

4

рати давлат қўмитасининг” деган сўзлар “Саноатда ва қончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлигининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-бандининг тўққизинчи хатбошидаги ва 13-бандининг “д” кичик бандидаги** “Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси” деган сўзлар “Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5 - 6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда):

1) **3-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган: солиқ соҳасидаги ҳўқуқбузарликларга қарши курашиш махсус бўлинмаси, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат ҳамда ҳўжат асосидаги текширув ва тафтиш амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек давлат солиқ хизмати органида режим ва ходимлар билан иш-

13

Жан Клод Ришар ёрдами аямас

Яқинда Қарши давлат университетида француз тили маркази ва француз тили кафедраси иш бошлади. Шу пайтгача дорил-фундуда инглиз ва немис тиллари марказлари мавжуд бўлиб, мазкур йўналишлар бўйича кадрлар тайёрланар эди.

Француз тили марказининг очилиш маросимида Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Жан Клод Ришар иштирок этди. У марказга соҳага оид дарсликлар, адабиётлар, аудио ва видео техника совға қилди. Элчи жаноблари бундан кейин ҳам Қашқадарёдаги олий ўқув юртлирининг Франция университетлари билан ҳамкорлигини яхшилашга кўмаклашишини билдирди.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.



EKS-SERVIS

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Пул ўтказиш йўли билан
қуйидаги техника турларини таклиф этади:

ЭКСКВАТОР 30-2621 "РАЧОК"

1. Россияда тайёрланган.
2. 1991 йилда ишлаб чиқарилган.
3. Эксковатор чўмичининг сизими — 0,28 м.куб.
4. Чуқурликда қовлаш ўлчами — 3 м.
5. Юк тушириш балиндлиги — 3 м.
6. Иш жараёнининг давомийлиги — 20 секунд.
7. ЮМЗ двигатели.



Эксковатор капитал таъмирдан ўтган.
Эксковатор ишга тушган кундан бошлаб 12 ой муддатга кафолат берилади.


ЭКСКВАТОР 30-3322. Ҳаво ҳайдаш механизми билан (пневматический)

1. Калинин эксковатор заводида тайёрланган.
2. 1994 йилда ишлаб чиқарилган.
3. 100 мотосоат ишлатилган.
4. Эксковатор чўмичининг сизими — 0,65 м.куб.
5. Чуқурликда қовлаш ўлчами — 4,5 м.
6. Юк тушириш балиндлиги — 4,3 м.
7. Иш жараёнининг давомийлиги — 20 секунд.
8. Д-240 двигатели.

Эксковатор сотиш олди тайёргарлигидан ўтган.
Эксковатор ишга тушган кундан бошлаб 6 ой муддатга кафолатланади.

К-701 трактори русуми базасидаги ЮКАЛГИЧ АГРЕГАТИ

1. Тошкент эксковатор заводида ишлаб чиқарилган осма ускуналар.
2. 1999 йилда ишлаб чиқарилган.
3. Эксковатор чўмичининг сизими — 2,5 м.куб.
4. Иш жараёнининг давомийлиги — 15 сек.



ТРАКТОР К-701

1991 йилда ишлаб чиқарилган.
Двигател: ЯМЗ-240, янги, 1998 й.
Узатиш кутиси: янги, 1998 й.
Шиналари: янги.
Кафолат муддати — 12 ой.



Сиз бизнинг техникаларимизни харид қилишингиз биланоқ ишончли ҳамкоримизга айланасиз. Биз эса Сиздек ишончли ҳамкорнинг гидравлик ва механик эксковаторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча муаммоларингизни ҳал қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 19 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: %

1 Австралия доллари	161,01
1 Австралия шиллинги	18,41
1 Англия фунт стерлинги	414,66
1 Бельгия франки	62,81
1 Голландия гульдени	114,98
10 Греция драхмаси	7,48
1 Дания кронаси	33,89
1 БАА дирхами	80,79
1 АКШ доллари	296,74
1 Миср фунти	83,94
10 Испания песети	15,23
100 Италия лираси	13,09
1 Канада доллари	199,89
1 Ҳаной вапи	35,85
10 Люксембург франки	62,81
1 Малайзия ринггити	78,10
1 Германия маркиси	129,55
1 Польша злотийси	66,16
1 СЛР	381,76
1000 Туркия лираси	0,44
1 Финляндия маркиси	42,62
1 Франция франки	38,63
1 Швейцария франки	166,18
1 ЕВРО	253,39
10 Жанубий Корея вапи	2,62
10 Япония иенаси	27,69
1 Россия рубли	10,70
1 Украина гривнаси	54,56

* / Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СВ РАДИОАЛОҚАСИ - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШИНИНГ СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИНИГИЗ!

Радиоалоқа узюқлиги 0,5 км. дан 60 км. гача.

- СИФАТЛИ РАДИОАЛОҚА
- ЎЗБЕКИСТОНДА БЕПУЛ ЭФИР
- МУТАХАССИСЛАРНИНГ БЕПУЛ МАСЛАҲАТИ

Марказий офис манзили: Тошкент ш., «Кичик Бешёғоч» кўчаси, 189-уй.
Тел./факс: (998-71) 191-09-09, 191-30-00.
Филиал манзили (ўриштиш ва таъмирлаш бўйича мутахассислар): Тошкент ш., «Қаторгол» кўчаси, 38-уй.
Тел.: (998-712) 78-54-70, 78-05-03.

«ЎЗМАШТАЪМИНОТ» А.Ж. ҳудудда доимий ишлайдиган савдо ярмаркаси фаолият кўрсатмоқда.

сув тортигич ускуналари
технологик ускуналар
юк кўтариш-транспорт ускуналари
ёнғинга қарши ишлатиладиган ускуналар
газ билан пайвандлаш ускуналари
қувур ўтказиш арматуралари ва зулфинлар
вентиляция ускуналари
подшипниклар
халқ истеъмол моллари
ва бошқа ускуналар

Ярмаркада қуйидаги машиносозлик маҳсулотлари сотилади:

Сотув ярмаркасида иштирок этишни хоҳловчиларга беғул жой ажратилади. Сотиб олиш ва сотиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш учун барча қулай шароитлар яратилган.

«Ўзмаштаъминот» А.Ж. божхона оморлари мол сақлаш бўйича хизмат кўрсатади. Очқиқ ва ёпиқ турдаги оморлар ижарага берилади. Темпр йўл шохобчаси мавжуд. Прокатга автокран ажратилади.

Манзилнинг: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Усмон Носир 1-тор кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 53-62-54, 53-69-17, Факс: 53-85-31.

ЯРМАРКАМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмаси жамоаси бош мутахассиси Бахтиёр Сатторовнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маҳаллийсаноатинвест» ҳисдорлик жамияти жамоаси компаниянинг бош мутахассиси Муборак Султоновга онаси.

Фароғат РАМАЗОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

accels
AMERICAN COUNCILS
FOR INTERNATIONAL EDUCATION
ACTR-ACCELS

Мактаб ўқувчилари диққатига!

СИЗБУ МАМЛАКАТДАН У МАМЛАКАТГА ЎҚИШГА БОРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Шаҳар	Тестлар мугғати	Тест ўтказиш жойи
Андижон	22 сентябр	Ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти
Нукус	22 сентябр	Ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти
Фарғона	25 сентябр	Фарғона давлат университети
Термиз	2 октябр	13-мактаб
Бухоро	3 октябр	Ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти
Самарқанд	6 октябр	Хорижий тиллар институти
Тошкент вилояти	10 октябр	Вилоят халқ тағлими бошқармаси
Ураччи	12 октябр	Ўқувчилар саройи
Тошкент ш.	18 октябр	Жойи ҳозирча аниқ эмас.

Барча тестларнинг бошланиш вақти соат — 9:00

Қатнашиш шартлари:
FSA-FLEX дастурида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларнинг барчасига жавоб беришлари шарт:

- 1984 йил 1 январдан 1985 йил 15 июл оралиғида туғилган
- 9- ёки 10-синф ўқувчиси
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси
- Мактабда инглиз тилини ўрганган
- АҚШ визаси талабларига жавоб берадиган
- Охириги 5 йил ичида АҚШда 3 ойдан кўп яшамаган бўлишлари керак.

Қатнашчилар ўзлари билан туғилганлик гувоҳномаларини, қалам, ручка ва кичик суратларини олиб келишлари керак.

Кўшимча маълумот учун телефонлар:
Тошкент: 152-1281; 152-1286
Самарқанд: 31-18-16; 31-22-08
Бухоро: 4-22-46
Наманган: 6-27-50; 6-19-19
Нукус: 222-95-57

AKCEЛC AҚШ Элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига доимий ёрдами учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ушбу дастурга АҚШ ҳукумати ҳомийлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасидаги муносабатлар ҳамда «Сиз Ригани қандай биласиз?» викторинасининг ўтказилиш шартлари

Ташкилотчилар: Латвиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Дўстлик Жамиятлари Кенгаши, «Ўзбекистон-Латвия» дўстлик жамияти

Викторинада Ўзбекистон Республикаси ўқув юртлиридаги барча талабалар иштирок этишлари мумкин.

Викторина 2 турда ўтказилади:

Биринчи тур иштирокчилари республика газеталарида эълон қилинган 15 саволга жавоб беришади. Жавоблар 3 баллик тизим асосида баҳоланади. Биринчи босқичда 10 та ўринни эгаллаган ғолиблар мукофотланадилар. Иккинчи тур Тошкент шаҳрида ўтказилади. Иккинчи тур биринчи босқичда 10 та ўринни эгаллаган ғолиблар иштирок этадилар. Мазкур турда ҳар бир иштирокчи берилган 5 та саволдан ташқари 1 та қўшимча саволга жавоб бериши мумкин. Агар икки ёки ундан ортиқ иштирокчи бир хил балл олса, жюри улар ўртасида ташлов ўтказишга ҳақли.

Иккинчи тур ғолиблари қуйидагича тақдирланадилар:

1-ўрин **ЛАТВИЯ САФАРИ**
2-ўрин **ТЕЛЕВИЗОР**
3-ўрин **ВИДЕОМАГНИТОФОН**


Ҳомийлар: «Ўзғўштсусаноат» ДАУ
Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси

Рига шаҳрининг ташкил топганига 800 йил тўлиши ва Ўзбекистон ҳамда Латвия давлатларининг дўстлик муносабатларига бағишланган ВЕКТОРИНА

✓ Нима учун 1201 йил Рига шаҳрининг ташкил топган йили ҳисобланади?
✓ Рига аҳолисининг XIV-XVI асрларда шугулланган асосий машғулот турлари ҳақида нималар биласиз?
✓ Латвия тарихида шведлар даври қандай муҳим аҳамиятга эга бўлган?
✓ Машҳур архитектор Франческо-Бартоломео Растрелли томонидан лойиҳалаштирилган ва Латвия ҳудудида жойлашган қасрлар ҳақида нималарни биласиз?
✓ Латвия Республикасининг мустақиллиги қачон эълон қилинган?
✓ Латвиянинг давлат герби ва байроғи тўғрисида нималар биласиз?
✓ Латвия мустақиллигининг қайта тикланиши тўғрисидаги Декларация ҳақида нималар биласиз?
✓ Латвия халқининг асосий миллий байрамлари ҳақида нималар биласиз?
✓ XX асрдаги Латвиянинг машҳур ёзувчи ва шоирларидан қимларни танийсиз?
✓ Спортнинг қайси турлари бўйича латвиялик спортчилар энг юқори натижаларга эришганлар?
✓ Латвия экспортининг асосини ташкил қилувчи ишлаб чиқариш тармоқлари ва уларнинг маҳсулотлари ҳақида нималарни биласиз?
✓ Латвиядаги катта порт шаҳарларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?
✓ Қайси йили Ўзбекистон ва Латвия ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган?
✓ Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеалар ҳақида нималарни биласиз?
✓ 2001 йилда Рига шаҳрида қандай йирик халқаро тадбирлар ўтказилди?

1-тур саволларига жавобларни 2000 йил 20 октябрга қадар қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз: 700027, Тошкент ш., Ўзбекистон шох кўчаси, 49-оғ. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданият-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, Латвия ҳақида викторинага.

Ўзбекиликдан бир эмас, минг бор айлансанг арзийди. Кўчада кетяпсиз, рўпарангиздан келаётган кимса сизни танийдими-таниймайди-ми, аксарияти, албатта «ассалому алайкум» деб кўли кўксига ўтиб кетади. Кўнглингизда қандайдир илиқлик пайдо бўлади, дилингиз ёришади.



Болагимизда эшитган эрталардан бирини «Ассаломинг бўлмаса, икки ямлаб, бир ютардим», дейди ялмоғиз кампир, Саломнинг хосияти шу қадар мўъжизаки, ҳатто ўйлагани, интилгани ёмонлик бўлган ўша ялмоғизнинг ҳам кўнглини юмшатаркан.

узатади. Исроил амаки кўчага отланганда уни чўнтагига солиб олади. Чугурлашиб, ўзи билан ўзи овера бўлиб турган болакайлари амакини узоқдан кўришлари биланоқ дарров хушёр тортишади. Худди кимдир ўргатиб кўйгандек, бир сафга тизилишиб туришади. Амаки яқинлашган, кўлларини кўксига қўйиб, одоб билан

бирин-кетин салом беришади. — Баракалло, болаларим, сизлар жуда одобли экансизлар, — дейди ама-

ки ва ҳар бирининг бошини силаб, кўлига биттадан қандами ёки конфет туттади. Маҳалламиздаги хонадонларнинг аксарияти серфарзанд. Кўз тегмасин-у кўчада болалар, серроб. Катталари у ёқда турсин, эндигина йўлга кирганлари ҳам атрофдагилардан ўрнак олиб, тили келса-келмаса салом беришга ошиқади. Баъзан

ЛИМОННИНГ ТЎҚҚИЗ ХИСЛАТИ

Бу нордон неъматни истеъмолдан ташқари пардоз-андоз учун ҳам ишлатиш мумкин: лимон шарбатини бош терисига мунтазам суртиб турсангиз, қазоқдан қутуласиз, агар шарбатига озроқ сув қўшиб бошни чайсангиз, сочингиз мулоимлашиб ярақлаб туради. Бу мева шарбати юздаги сепкил ва доғларни ҳам йўқотади. Лимоннинг бир бўлақчаси ҳар қандай пастадан кўра тишингизни яхши оқартиради, милкингизни мустаҳкамлайди. Лимон шарбати кўлингиз дағаллашган терисини юмшатади, агар уни тирноқ устига суртсангиз, тирноқларингиз синиб кетмайди. Елка ва бўйинни лимон шарбати билан артиб турсангиз, танангиз силлиқ ва майин тортади.



Кўзингизни юм, оппоғим.

ЯХШИ ОТ КЕЙИН ЧОПАДИ


Ўзбекистон билан Австралия орасидаги масофа қанчалик олислиги яхши маълум. Аммо бугун бу яшил ўлкада давом этаётган XXVII Олимпиада уйинларида юз бераётган воқеалар санокли дақиқалар ичида бутун дунёга тарқалмоқда.

Хақим Санойи айтди: — Киши ўз сирини беш хил кишига айтмаслиги керак. Буларнинг биринчиси — макру хийлаги аёл, иккинчиси — бағозатга етмаган бола, учинчиси — тенгас, тўртинчиси — бировага тобе киши, бешинчиси — синалмаган дўст.

Абулбаракот КОДИРИЙ

СИРНИ КИМДАН САҚЛАШ КЕРАК?

«Хўл бўлма!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Тентакка сир айтган кишининг иши гўё мушукка гўшт ташлаб, унга «е!» деб буюрган кишининг ишига ўхшайди. Бирор тасодиф туфайли бировага қарам ва тобе бўлиб қолган кишига сир айтган кишининг иши гўё ит



БИТТА БУЙРАКЛИ КЕЛИН

Касалхонада бир аёл билан ҳамхона бўлди. Бошдан-оёқ асадорлик кийимлари бемор жувонининг руҳини янада синиктириб кўрсатаётганга ўхшарди. Кўнглига тегиб кетишдан қўчиб, кими вафот қилганини суртиштирган жўртат этмади. Бир маҳал беш ёшлар чамаси бола югуриб келди-да, «Ассалом, амажон, сизни кўришга келдик. Дадом ташқаридоғлар», дея ўзини аёл кўчигига олди. Аёл уни бағрига босиб, жингалда сочларидан ўпаркан, кўзларидан ёш оқди. Болага сездирмай ёшнинг артиб, биргалашиб чиқиб кетди.

Анчандан кейин кўлида мева, овқат билан қайтиб кираркан, ўзини йигидан тўхтатолмасди.

— Тинчликми? Нима бўлди?

— Эссиз, укам-а. Ёшгина тул қолди. Ўз дарди-гами етмагандай мени кўришга келибди. Шундан ким гина қиларди? Унинг уст-бошига, ўғилча-сига қараб, юрагим эзилди. Аслида касал бўлиб, бу ерда ётишимда ҳам келиннинг вафоти сабаб бўлди... — дея йўғлай-йўғлай дардини очди у. — Келиннинг ўқитувчи эди. Худо раҳмат қилсин. Кўшини қишлоқдан туширгандик. Иккитагина фарзанд кўрди. Бирок сира ранги очилмас, кўп йил-

дейсизми? — қулоқларимга ишонмай қайта сўрадим.

— Ҳа, билмасдингиз? Келиннингизнинг буйраги ёшлиғида касалланиб, олиб ташланган. Ота-онадиги агар турмушга чиқмаса 40-50 ёшларгача яшаш мумкинлигини, она бўлиш қизларининг умрини қисқартиришини айтгандик, — деди у.

Бошимдан муздай сув қуйилгандай бўлди. Аммо келинга сездирмадим. Ўз кўлимда жон берди. Умрининг охирига дақиқаларида шундай қийналдики, айтишга тилим бормайди. Сўнги нафасигача эри, болалари ҳақида гапирди.

Тазвия кўни бел боғлаб ўтирган укамга, чиққиллаб қолган гўдақларига, ранги сарғайиб қолган ота-онамга қараб, юрагим тамом бўлди. Аламимга чидамай

қудабобо ва кудабининг боқасидан олдим. «Кўзингизнинг буйраги битта экан, нега айтмадингиз, иймонсиз?! Укагинингизнинг ийни кўйдирдингиз-ку. Йўқолларингиз! Ўз қизини ўзи гўрга тиккан иймонсизлар!», деб бақирдим. Халқнинг ичидан чиқариб хайдадим. Кейин ўзим ҳам юрагим саниб йиқилибман. Мана шу дардни ортирдим, — дея ҳижоясини тугатди у...

«Қанақа беандиша аёл экан. Шўрлик ота-онанинг фарзанд доғида куйгани етмагандай эл ичида шарманда қилибди. Ким билди, эҳтимол ўша келинчақ эллик йил ёлғиз яшайдиган кўра олти йилгина бўлса-да келинлик, бекалик, оналик бахтини кўриб яшашини афзал кўрганайди? Ота-онаси ҳам, қизимиз қисқа умр кўрса-да, оқ кўйлак кийсин, чимилдик кўрсин, беному нишон кетмай ўзидан зурриёд қолдирсин, деб турмушга ўзатишгандир», дея ўйладим.

Орадан анча фурсат ўтган бўлса-да, ўша жувонининг ҳижоясини унутолмай-

ман. Аммо энди ҳаёлимга бошқа фикрлар ҳам келмоқда. Ўшанда ўйлаганларим бироз хаёлий фикрлар эканлигини англагилман. Ахир, ҳаёт баландпарвоз орзулардан иборат эмас-ку? Эҳтимол, ўша мен кўрмаган битта буйракли келинчақ (Худо раҳматиға олган бўлсин) эри билан шифокор кўригидан ўтишга борманганда шу ҳодиса юз бермасмиди? Икки гўдак чиққиллаб қолмасмиди? Эҳтимол, уларнинг отаси яна уйлари, кўрмагандай бўлиб кетар, аммо болаларга ҳеч қим онаси берган меҳрни, тарбияни беролмайди-ку. Уларнинг кўнглилари барбир кам бўлиб ўсади. Онасиз болаларнинг руҳан ва жисмонан соғлом бўлиб ювга етишлари эса жуда қийин.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон! Сизнингча, ўз дардини яшириб, турмушга чиққан ўша аёл тўри қилдимми?

Маҳбуба ХОЛОВА,
«Вобкент ҳаёти»
газетаси ходими.

УМИД ШАМЧИРОҒИ

Инсон дунёга эзулик учун келади. Фарзандлар эса бамисоли қалбимизга нур сочувчи ҳаётбахш офтобдир. Уларнинг тарбиясида она ва мактабининг ўрни алоҳида. Биз бир гуруҳ юрдошларимизга «ФАРЗАНДИНГИЗ МАКТАБДА НИМАЛАРНИ ЎРГАНАЯПТИ?» деган савол билан мурожаат қилдик.

Ўлмас САИДЖОНОВ, Ўзбекистон халқ хофиз:

— Нақл қилишларича, ёш она донишманднинг олдига келиб, бола тарбиясини қачондан бошлаш мумкинлигини сўрабди. «Қақалоқ неча ойлик бўлди?» — дебди донишманд.

«У ойлик».

«Демак, сиз у ойга кечикибсиз».

Мен бу ҳикоятни бежиз эсламадим. Хулоса оддий: тарбиянинг тамал тоши бола дунёга келган дақиқадан қўйилади. Ўзбекиликда аввалдан шундай. Санъаткор ёки бошқа бирор касб эгаси бўлиш муносиб фарзанд ўстириш учун ҳеч қимни масъулиятдан овоз этмайди. Олти фарзанднинг отаси сифатида бунга жуда яхши тушунаман. Ҳозирги ёшларнинг ақли тийрак, зеҳни ўткир. Савол туғилди: хўш, мактабда уларга сабоқ бераётган ҳурматли устозларимизнинг савияси қандай? Таълим-тарбия жараёни ҳамма жойда ҳам замон талабларига мос даражадами?

Назаримда, биз энг аввал ана шулар ҳақида кўпроқ бош қотиришимиз керакка ўхшайди.

Инобат ОЧИЛДИЕВА, бозорчи аёл:

— Қизикимсиз? Нима ўқитганини қандайдир билий? Ҳаёлим бозорда. Икки қизим ўзим билан бирга савдо қилади.

Собир ҚУРБОНОВ, самбо бўйича жаҳон чемпиони:

— Эрталоқ кеч машғулотлар билан банд

Бир саволга беш жавоб

Бўлсам-да, бу масалани эътибордан четда қолдирмайман. Чунки фарзандлар умримиз ва касб-коримиз давомчиларидир. Улар борки, бағримиз бут, хонадонимиз чароғон. Ўғлим Ақобир ўзбек миллий кураши бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлди. Бунга, аввало, мактаб ва оила ҳам-корлигининг ширин меваси, деб биламан.

Турди БОЗОРОВ, йўловчи:

— Билмадим-а. Бунга янгангиздан сўраш керак. Чунки ота-оналар мажлисига доим у боради. Узр, шовиб турибман...

Оллоназар ДУСТМУРОДОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Нью-Йорк фанлар академиясининг аъзоси:

— Менимча, саволни бироз бошқачароқ қўйиш керак. Урта мактабда болаларимиз нималарни ўқиётганини маълум даражада биламиз. Нималар ўргатилмаяпти? Бу энди кўндаланг масала. Турт фарзандимдан учтаси олий ўқув юртида, биттаси ўрта мактабда тахсил олади. Улардаги интилиш ва тилимга чанқоқликни кўриб, ўзимда йўқ суноаман. Умуман, бугунги ёш авлодда ақлий тафаккур, она-Ватанга садоқат, закилийлик кучли. Шундай бўлиши ҳам керак. Зотан, биз тарихий илдизи чуқур, маънавияти юксак халқнинг ворисларимиз.

Жавобларни оққа кўчирувчи: Носир ТШОВЕВ.

ХИКМАТ

Пул тугайди, бироқ хунар тугамайди.



— Туғилган кунинг билан, онажониси!

РИВОЯТ АҲИЛЛИК ВА ОМАД

Ривоят қилишларича, бир отахон тор қонғунсида остонасида кимдир йиғлаётганини кўриб қолибди ва:

— Кимсан? Нега йиғлаясан? Муздагон нима? — дея сўрабди.

— Мен Омадман, — дебди йиғлаётган кимса. — Мен сенинг хонадонингда узоқ қолиб кетдим. Энди кетмоқчиман. Шунга рўхсат бер.

— Майли, — дебди отахон, — сен биз билан узоқ яшабсан. Демакки, оиламиз аъзосига айланибсан. Рози бўлсанг, бошқалар билан ҳам маслаҳатлашсам.

Отахон шундай дея уйига кириб, аёлига бўлган воқеани айтиб берибди.

— Начора, — дебди аёл. — Балки у ҳам эриккандир. Қолаверса, Омаддан бошқалар ҳам умидвор. Биз неки орзу қилган бўлсак, барчасига эришдик. Бундан бу ёғига омадининг бўлиши шарт эмас. Дедаверсин, рўхсат, — дебди.

Ўғил ҳам Омаднинг кетишига рўхсат берибди. Гал келинга келганда, у жавоб беришга ошиқмабди.

— Отажон, яратганга шуқр. Бизга омад бергани боис барча орзу-ниятларимизга эришдик. Энди бу ёғига биз уни зўрлаб олиб қололмайми. Майли, Омад кета қолсин, бироқ бир шартим бор: бизнинг аҳиллигимизни ташлаб кетсин, — дея жавоб берибди.

Отахоннинг жавобини эшитган Омад боғиданда, қаттиқроқ йиғлай бошлабди.

— Сенга рўхсат тегди, яна нега йиғлаясан? — сўрабди мўйсифид.

— Келиннинг менга оғир шарт қўйибди. Ахир, аҳиллик бор жойдан қандай қилиб кета оламан?, дебди Омад ва бир умр шу оилада қолишга аҳд қилибди.

МАВЖУДА.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Иқтисодий-сўғий ҳаёт — 133-57-34;
Хуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлаар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 286,
23728 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета РЕНТИУМ-П компьютеризация терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Набатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.
Набатчи — Э. МАВЛОНОВ.
Мушаххис — Ш. МАШРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зийл материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топиширди — 21.00
1 2 3 4 5 6

Муҳтарам газетхон! Юқоридаги саволга Сиз қандай жавоб берган бўлардингиз? Хатларингизни кутамиз.